

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

2017 йил – ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Халқимиз ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган амалий ҳаракатлар

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси доирасида жорий йилнинг биринчи чорағида халқимиз ҳаёт сифатини оширишга қаратилган кўплаб амалий ишлар бажарилди.



ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ
2017-2021

Жумладан, 1 минг 130 километр ички хўжалик йўллари, қишлоқ ва овуллар кўчалари тўлиқ ва жорий таъмирланди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш йўналишидаги ҳудудий дастурлар доирасида 2 минг 633 инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 17 минг 599 иш ўрни ташкил этилди.

Пойтахтимизда Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси доирасида жорий йил биринчи чорағи учун белгиланган вазифалар ва уларнинг амалий натижаларига бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақда гап борди. Туман ва шаҳарларда жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш бўйича Халқ қабулхоналари ташкил этилгани, сенатор ва депутатлар томонидан жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш бўйича тизим йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этаё-

тир. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш мақсадида ҳуқуқчи муҳофиза қилувчи ва назорат органлари раҳбарларининг виртуал қабулхоналари ҳам шакллантирилди.

Аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида темир йўл транспорти соҳасида юқори тезликда ҳаракатланадиган «Та1го 250» русумли йўловчи поездини сотиб олиш, темир йўл линияларини қуриш, таъмирлаш, электрлаштириш ҳамда вагонлар таркибини янгилаш каби 6 лойиҳа доирасида 107,7 миллион доллар маблағ ўзлаштирилди. Тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича умумий қиймати 12,7 миллион доллар бўлган 10 лойиҳа амалга оширилди. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига 32 миллион доллар миқдорида инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига 3 янги ва модернизация қилинган замонавий енгил sanoat корхонаси ишга туширилди.

Сугориладиган ерларнинг мелiora-

тив ҳолатини яхшилаш мақсадида 1,8 минг километрдан ортиқ коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда 15 гидро-техник иншоот реконструкция қилинди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавот, картошка ва узум ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар ошишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида барча тоифадаги хўжаликларнинг асосий майдонларига 106,5 минг гектар сабзавот, 64,9 минг гектар картошка ва 9,4 минг гектар полиз экинлари экилди.

Тижорат банклари томонидан фуқароларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш, паррандчилик ва асаларичиликни ривожлантириш, илҳам иссиқхоналар ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, аёлларнинг тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2,5 триллион сўм кредит ажратилди.

ЎЗА материали асосида.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



12.04.2017 йилдаги ЎРҚ-428-сон Қонун билан «Судлар тўғрисида»ги Қонунга, Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши белгиланди

«Судлар тўғрисида»ги Қонунга киритилган тўзатишлар билан республика судлар тизимига ўзгартиришлар киритилди. Ўзгаришларнинг бир қисми Судьялар олий кенгаши ҳамда Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг ваколатлари ва унинг фаолияти билан боғлиқдир.

Судлар тузилмасидаги ўзгаришлар

1. Олий суд раиси, унинг биринчи ўринбосари – жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси ҳамда раис ўринбосарлари – фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатларининг раислари, шунингдек судьялардан иборат бўлади ҳамда қуйидаги таркибда иш олиб боради:

2-бетда

Прогул учун ишдан бўшатиш: муаммони бартараф этиш йўллари

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш қонунга қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилиши лозим. Зеро нотўғри ишдан бўшатганлик учун иш берувчи ходимнинг мажбурий прогул вақтига ҳақ тўлашига, шикоят қилиш харажатларини компенсациялашига ва маънавий зарарни қоплашига тўғри келади. Жуда кўпол ҳатоликка йўл қўйилган ҳолларда раҳбар ишбу харажатларнинг бир қисmini ўз ҳамёнидан тўлашга мажбур бўлади. Бироқ ходим ҳатто ишга ҳам кун ора келса, у билан хайрлашишдан ўзга чора қолмайди. Шарҳимизни ўқиб, буни қандай қилиб ортиқча хатарларсиз амалга ошириш мумкинлиги ҳақида билиб оласиз.

4-бетда



ДОЛЗАРБ МАВЗУ



Ҳайдовчи қондани бузади, фирма эса «пулга тушади»

Ташкилотларда автомобилни бошқаришни кўпинча ёлланма ҳайдовчиларга ишониб топширадилар. Иш вақтида машина раҳбарият назаридан четда бўлади, шу сабабдан у ҳайдовчининг йўл ҳаракати қондаларини бузишини бартараф эта олмайди. Ҳатто йўл-транспорт ҳодисаси рўй бермаса ҳам, чорраҳаларда камералар ишга тушгани муносабати билан юридик шахс Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг жарима тўлаш тўғрисидаги қарорини олиш хавфи остида бўлади. Мазкур шарҳимизда шундай воқеа рўй берганда қандай йўл тутиш лозимлиги ҳақида сўз юритамиз.

7-бетда

Ушбу
сонда:

3-БЕТ

Йўлга асфальт ётқириш – қандай фаолият?

5-БЕТ

Хорижлик ходимга меҳнат дафтарчаси юритиш шартми?

8-БЕТ

Паспорт масалалари: чет элдан набирам келмоқчи; пропискамни тикламоқчиман

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-бетда

Олий суд Пленуми;
Олий суд Раёсати;
Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати;

Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;
Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати;
Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати.

2. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари раис, раис ўринбосари, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади ҳамда суд раёсати ва судлов ҳайъатлари таркибида иш олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судлари раис, раис ўринбосари, судьялардан иборат бўлади ҳамда суд раёсати ва судлов ҳайъатлари таркибида иш олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий ва маъмурий судлари раис ва судьялардан иборат бўлади ҳамда суд раёсати ва судлов ҳайъатлари таркибида иш олиб боради.

3. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди раис ва судьядан иборат бўлади.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди раис, судья ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий суди раис ва судьядан иборат бўлади.

Туман (шаҳар) маъмурий суди раис ва судьядан иборат бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқида иш олиб боради ҳамда раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади, шунингдек **ҳудудий ҳарбий судлар** туман суди ҳуқуқида иш олиб боради ва раис, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Шунингдек **судлар ва улар раисларининг ваколатлари** белгиланди.

Бундан ташқари, **судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши белгиланди**. Бу ёш Олий суднинг судьялари учун 70 ёшни, бошқа судларнинг судьялари учун 65 ёшни ташкил этади. Бироқ Олий суднинг судьяси учун бу ёш Президент томонидан, бошқа судларнинг судьяси учун эса судьянинг розилиги билан Судьялар олий кенгаши томонидан 5 йилгача узайтирилиши мумкин.

Бунда судья пенсия ёшига етганда ёки пенсияга чиқилишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа асослари мавжуд бўлган тақдирда, пенсияга чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолади.



Судьянинг ваколатларини тўхтатиб туриш тартиби ҳам тузатишлар киритилди. Судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш учун асослар қуйидаги мазмундаги яна бир банд билан тўлдирилди: суд раисининг ваколат муддати тугаши муносабати билан, агар у бошқа судьялик лавозимига ўтишга розилик бермаса.

Қонун билан бир қатор бошқа ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилган ва **Қонун 2017 йил 1 июндан эътиборан кучга киради**. Судьялар олий кенгаши, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти тўғрисидаги, шунингдек судьяларнинг сайлаш, тайинлаш тартиби ва уларнинг ваколатлари муддатлари ҳақидаги қоидалар ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 17.04.2017 йилдаги 15-сонда расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Маъмурий судларда иш юритиш тартиби белгиланди

ФПКга киритилган тузатишларга мувофиқ **маъмурий судларда суд ишларини юритиш фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилади**. Бунда маъмурий судларга давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, шунингдек улар мансбдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган шикоят ва аризалар бўйича ишлар тааллуқлидир.

Бир-бири билан боғлиқ бўлиб, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса, маъмурий судга тааллуқли бўлган бир қанча талаблар бирлаштирилганида, бу талабларнинг ҳаммаси фуқаролик ишлари бўйича судга қўрилиши керак.

Давлат органларининг ва бошқа органларнинг, шунингдек мансбдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишлар тоифалари кенгайтирилди.

ХПКда ишларни қўриб чиқишининг янги тартиби белгиланди.

1. Биринчи инстанцияда ишлар туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари томонидан қўрилади.

Республика бошқарув органлари билан маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар Олий суд томонидан қўрилади.

Бунда Олий суд алоҳида ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳар қандай ишни исталган суддан олиб қўйиш ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритишига қабул қилишга, ишни бир суддан бошқасига ўтказишга ҳақлидир.

2. Апелляция шикоятини (протестини) қўришни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари томонидан биринчи инстанцияда қабул қилинган ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятини (протестини) биринчи инстанцияда ҳал қилув қарорини қабул қилган суд қўради.

3. Кассация инстанциясида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари иқтисодий судлар томонидан биринчи инстанцияда қабул қилинган ҳал қилув қарорларининг қонунийлигини, шунингдек Олий суднинг Раёсати шу суд томонидан биринчи инстанцияда қабул қилинган ҳал қилув қарорларининг қонунийлигини текширади.

Апелляция ва кассация шикоятлари (протестлари) қарорни қабул қилган суд орқали берилади.

4. Протестлар бўйича ишларни назорат тартибида қуйидагилар қўрилади:

➤ Олий суднинг судлов ҳайъати – барча иқтисодий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан келтирилган протестлар бўйича;

➤ Олий суд Раёсати – барча иқтисодий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари ҳамда Олий суд судлов ҳайъатининг назорат тартибида чиқарган қарорлари устидан келтирилган протестлар бўйича.

Бунда қуйидагилар протест келтиришга ҳақли:

➤ Олий суднинг Раиси ва Бош прокурор – ҳар қандай иқтисодий суд қабул қилган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлар устидан;

➤ Олий суд Раисининг ўринбосарлари – ҳар қандай иқтисодий суд қабул қилган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлар устидан, бундан Олий суд Раёсатининг қарорлари мустасно.

Ўзгаришлар ва қўшимчалар 1.06.2017 йилдан кучга киради.

Олег Заманов,
«Norma Online» эксперти.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 25 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2798,94	1 Малайзия ринггити	842,71
1 Англия фунт стерлинги	4739,89	1 Польша злотийси	947,91
1 Дания кронаси	540,72	1 СДР	5051,92
1 БАА дирҳами	1009,05	1 Туркия лираси	1023,65
1 АҚШ доллари	3706,22	1 Швейцария франки	3718,12
1 Миср фунти	205,33	1 ЕВРО	3967,46
1 Исландия кронаси	33,97	10 Жанубий Корея вон	32,67
1 Канада доллари	2749,22	10 Япония иенаси	336,99
1 Хитой юани	538,32	1 Россия рубли	65,91
		1 Украина гривнаси	138,64

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмурий ваколатлари ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	24.04.2017	1	1,7022	1	1,8484	1	0,0304
Арманистон	21.04.2017	1	484,51	1	518,72	1	8,61
Беларусь	25.04.2017	1	1,8763	1	2,0122	100	3,3354
Грузия	24.04.2017	1	2,4038	1	2,5718	100	4,2720
Қозғоғистон	24.04.2017	1	312,74	1	334,73	1	5,56
Қирғизистон	24.04.2017	1	67,4719	1	72,3198	1	1,1999
Молдова	24.04.2017	1	19,2831	1	20,7399	1	0,3427
Россия	22.04.2017	1	56,2307	1	60,3187	—	—
Тожикистон	24.04.2017	1	8,4778	1	9,0696	1	0,1544
Туркменистон	24.04.2017	1	3,5000	1	3,7531	100	6,2012
Украина	24.04.2017	100	2 673,2780	100	2 859,8728	10	4,7541

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

УШБУ СОНДА

• 2017 ЙИЛ – ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

– Халқимиз ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган амалий ҳаракатлар

1-бет

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

– Валюталар курси

1-2-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Прогул учун ишдан бўшатиш: муаммони бартараф этиш йўллари

– Чет элликлар учун истисно қилинмайди

– Диққат: сизни суратга оляптилар!

– Вақтинчалик ходим

1, 4-5-бетлар

• АВТОНОРМА

– Ҳайдовчи қонидани бузади, фирма эса

«пулга тушади»

1, 7-бетлар

• ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– Қоғозбозликми ёки қонун талаби

– Чакана товарга устама

– Асфальт ётқишиш учун рухсатнома

– талаб этилмайди

3-бет

• БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

– Етказиб бериш кечиктирилгани учун

пеня

6-бет

• ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

– Оғоҳлик – осоийшталлик омили

6-бет

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Набирам учун таклифнома

– ФХДЭдан – паспорт столига

– Ўжар қариндош

– Олий ўқув юртининг илтимосномасига

биноан

8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига қўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга берамаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман қўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга **ФАКАТ «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati** МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Қоғозбозликми ёки қонун талаби



Шартнома тузиш чоғида мижоз бу ортиқча қоғозларни талаб қилиш эканлигини ва текширув чоғида жарима кўринишида маъмурий жавобгарликка тортилишимиз мумкинлигини рўқач қилган ҳолда шартнома тузиш тўғрисида хат ёзиш ва айрим ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортиди.

Усуналарни сертифициклаш хизматларини кўрсатишда қандай ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқи бўлади, бу қандай НХҲ билан тартибга солинади?

Н.Шин.

— Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади («Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг

шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси). Агар бўлажак шартнома шартларини белгилаш учун тегишли ҳужжатлар зарур бўлса, уларни тақдим этишнинг талаб қилишини мумкин.

*Оферта — шартноманинг муҳим шартлари ифода қилинган, уни тузиш таклиф этилган хат. Бунда бошқа тараф офертани қабул қилса (акцептласа), шартнома тузилган ҳисобланади. Бу ҳолда аҳдлашган тарафлар ўртасида алоҳида шартнома имзолаш талаб этилмайди (ФКнинг 367-моддаси).

Чакана товарга устама

Ташкилотимиз дори-дармон воситалари билан улгуржи ва чакана савдо қилиш соҳасида фаолият юритади. Янги қоидаларга кўра улгуржи савдо учун 15% ва чакана савдо учун 20% миқдоридаги чекланган савдо устамасини белгилашга рухсат берилган. Мисол учун, дори-дармон воситаларини ишлаб чиқарувчилардан 1 000 сўмга сотиб оламиз ва 1 150 сўмлик қийматда (1 000 + 15%) улгуржи сотамиз. Ушбу маҳсулотни чаканага 1 380 сўмдан (1 150 + 20%) сотишимиз мумкинми? Ёки уларни 1 200 сўмдан (1 000 + 20%), яъни хариб қийматига 20%лик устамани қўллаган ҳолда сотишимиз керакми?

Агар корхона дори-дармон воситалари билан ҳам улгуржи, ҳам чакана савдо қилса, чакана савдо учун энг юқори устамани қандай ҳисоблаб чиқариш мумкин?

Ш.Хусанов,
МЧЖ раҳбари.

— Ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситаларини қайд этилган нархда сотиш зарур (Рўйхат, 31.10.2016 йилдаги ПҚ-2647-сон қарорга 1-илова).

Рўйхатга киритилмаган медикаментлар нархини шакллантиришда иккала устамани (тартибга солинадиган нарх) қўллашнинг мумкин.

Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотувчи корхоналар, башарти харажатларнинг ҳисобини алоҳида-алоҳида юритсалар, ҳар бир бўгин — улгуржи ва чакана устамаларни қўллаган ҳолда чакана савдони амалга оширадилар (Низомнинг 17-банди, ПҚ-2647-сон қарорга 4-илова).

МИСОЛ. Корхона дори-дармон воситаларини улгуржи савдоси билан шугулланади, шу билан бирга чакана савдо тармоғи мавжуд. Корхона маҳаллий ишлаб чиқарувчидан дори-дармон воситасининг битта бирлигини

1 000 сўмдан сотиб олди. Ушбу дори-дармон воситаси Рўйхатга киритилмаган, тегишсинча, уни тартибга солинадиган нархда сотиш мумкин, у қўйидагича ҳисоблаб чиқарилади:

улгуржи нарх: $1\,000 \times 1,15 = 1\,150$ сўм.

Чакана тармоқда дори-дармон воситасининг нархи қўйидаги миқдорни ташкил этади:

чакана нарх: $1\,150 \times 1,2 = 1\,380$ сўм.

Яъни улгуржи нархга чакана устама қўлланади.

Дори-дармон воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш, шунингдек корхона фаолиятининг иккала йўналиши бўйича харажатлар ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш зарурлигига эътиборингизни қаратамиз.

Дарина Абухович,
«Norma Online» эксперти.

Реклама ва эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Бизнинг МЧЖ микрофирма ҳисобланади. Асосий фаолият тури — чакана савдо. Яқинда лизинг шартномаси бўйича тандем каток сотиб олдик. Ташкилотимиз директори буюртмачининг материалларидан йўлларга асфальт ётқизиш хизматларини кўрсатишни режалаштирмоқда.

1. Йўлларга асфальт ётқизиш қандай фаолият турига қаради: хизматларгами ёки қурилишга?

2. Йўлларга асфальт ётқизиш фаолияти учун рухсатнома талаб этиладими?

Н.Кашапова.

Асфальт ётқизиш учун рухсатнома талаб этилмайди

1 Йўлларга асфальт ётқизиш хизмат эмас, балки қурилиш (қурилиш иши) ҳисобланади.

1.01.2017 йилдан бошлаб қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар кучга кирди, уларга мувофиқ, хусусан, статистика, солиқ ва молиявий ҳисобот шаклларида ХХТУТ кодлари ўрнига ИФУТ (2-тахрир) кодларидан фойдаланилади (ВМнинг 24.08.2016 йилдаги 275-сон қарорининг 1, 2 ва 10-бандлари).

42.11.0 «Йўллар ва шосселар қуриш» ИФУТ (2-тахрир) коди йўлларни асфальтлашни ҳам англатади. Ушбу 5 та рақамли код **кичик синф** ҳисобланади ва:

F секцияси «Қурилиш»;

42-бўлим «Фуқаролик объектиларини қуриш»;

42.1-гурӯҳ «Автомобиль йўллари ва темир йўллар қуриш»;

42.11-синф «Йўллар ва шосселар қуриш»га қаради.

Асфальтлаш йўллар ва шосселар қуришга киришини ИФУТ гуруҳларига изоҳлар (2-тахрир) билан ҳам тасдиқланади. Уларда айтилишича, **42.11** «Йўллар ва шосселар қуриш» синфи (бинобарин, худди шу номдаги **42.11.0** кичик синфи ҳам) қўйидагиларни ўз ичига олади:

➤ автострада, кўчалар, йўллар, бошқа транспорт ва пйёдалар йўлларини қуриш;

➤ кўчалар, йўллар, автострадалар, кўприк ва туннелларнинг сиртини қуриш: йўлларни асфальтлаш; йўлларни бўяш ва маркировкалаш;

аварияга қарши тўсиқлар, светофорлар ва бошқа шу каби ускуналарни ўрнатиш; ➤ учиш-қўниш майдонини қуриш.

Қурилиш, шу жумладан йўллар ва шосселар қурилиши билан боғлиқ муносабатлар пудрат шартномаси, аниқроғи — қурилиш пудрати шартномаси тўғрисидаги қоидалар билан тартибга солинади. Қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 666-моддаси 1-қисми).

Қурилиш пудрати шартномаси корхона, бинони (жумладан уй-жой биносини), иншоотни ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш ҳақида, шунингдек монтаж, соғлаш-ишга тушириш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақида тузилади. Бундай шартнома тўғрисидаги қоидалар, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишларига нисбатан ҳам татбиқ этилади (ФКнинг 666-моддаси 2-қисми). Автомобиль йўли эса муҳандислик иншоотлари мажмуасидир («Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси 2-хатбоши).

Шу тариқа, йўлларни асфальтлаш қурилиш (таъмирлаш-қурилиш) иши ҳисобланиши шубҳасиз.



«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Ташкент ш. Миробот тумани, Таълимаржон кўч., 1/1. Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

2 Амалдаги қонун ҳужжатларида йўлларга асфальт ётқизиш (йўлларни асфальтлаш) бўйича қурилиш ишларини бажариш

учун лицензия ва рухсат бериш таомили ҳужжатини олиш мажбурияти тўғридан-тўғри назарда тутилмаган.

Камол Музаффаров,
«Norma Online» етакчи эксперти.

Прогул учун ишдан бўшатиш: муаммони бартараф этиш йўллари

«Мунтазамлиги» бўйичаи ёки бир йўла

Қонун прогулчилар билан меҳнат муносабатларини бекор қилишнинг 2 хил йўлини тутишга рухсат этади:

1) МКнинг 100-моддаси 2-қисми 3-бандига кўра ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги учун у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш. Барча ташкилотларда бунга йўл қўйилади. Аввал ходимга нисбатан ҳайфсан ёки жарима қўлланади. Таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида такроран ноҳўя ҳаракат содир қилингандагина меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади;

2) МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига кўра ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги учун у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш. Прогул меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузиш деб ҳисобланадиган ички меҳнат тартиби қоидалари, интизом ҳақидаги низом ва уставлар амал қиладиган ташкилотларда шундай қарор қабул қилинади.

Агар танлаш имкони бўлса, қай бирининг қўллалиши иш берувчига бoғлиқ.

Мунтазам бузиш ҳолларида қўриладиган чоралар

Иш вақти режимини бузганлик сабабли ҳам интизомий чорани қўллаш учун бир нечта қоидага риоя этиш зарур.

1. Ходим уларни бузганлик учун зиммасига жавобгарлик юклатиладиган меҳнат вазифалари билан олдиндан таништирилиши лозим. Меҳнат мажбуриятлари корхонада қабул қилинадиган ички меҳнат тартиби қоидалари, интизом ҳақидаги устав ва низомлар, локал ҳужжатлар (жамоа шартномалари, йўриқномалар ва ҳ.к.), меҳнат шартномаларида аниқлаштирилади. Ушбу ҳужжатлар билан тилхат олиб таништирган маъқул. Таништирилганлик далилини шу тариқа исботлаш осонроқ бўлади. Бироқ қонунда ходимнинг имзосини олиш (меҳнат шартномасидан ташқари) тўғридан-тўғри талаб қилинмаган (МКнинг 178-моддаси). Буни билиш муҳим, сабаби ходим судда ҳеч нимани имзоламаганлигини, демак, ҳеч нимани билмаганлигини кўрсатишга албатта уриниш кўради. Низо юзага келмаслиги учун иш режими ва бошқа мажбуриятларни меҳнат шартномасида

2. Бузиш далилини шундай қайд этиш лозимки, келгусида иш берувчи қилмиш содир этилганлигини инкор этиб бўлмайдиган далилларга эга бўлсин. Ташкилотнинг бир нечта ходими имзолаган далолатномалар шу мақсадни кўзлаб тузилади. Улар ҳамкасбларига нисбатан интизомий чора кўрилишидан манфаатдор бўлмасликлари муҳим аҳамиятга эга. Ишдан бўшатишга киши кўпинча ўзини ҳимоялаш истагида раҳбарият ва бошқа ҳамкасблари уни шахс сифатида ёқтирмасликларини далил қилиб келтиради. Шу сабабли фақат маъмурий-бошқарув ходимлари имзолаган далолатнома судда осонгина рад қилиниши мумкин. Шу муносабат билан бошқа бўлим ва хизматлар ходимларини далолатномалар тузишга жалб этибгина қолмай, объектив далиллардан ҳам фойдаланиш ортиқчалик қилмайди. Прогулда видеокузатув камераларининг ёзувлари, иш вақтини автоматик ҳисобга олиш тизими кўрсаткичлари ва бошқалар ана шундай далил бўлиши мумкин.

3. Ходим бузишда айбдор бўлиши шарт. Агар айби бўлса – бузишга йўл қўйилган, айби бўлмаса – бузиш ҳам бўлмаган. МКнинг 102-моддаси 5-қисми, 104-моддаси 1-қисмидан ана шундай ҳулоса келиб чиқади, уларда ходимнинг айби (атайин ёки эҳтиётсиз) хатти-ҳаракатлари учун интизомий жазолар қўлланиши кўрсатилган. Ходимнинг айбини исботлаб бериш жуда мушкул, бу эса иш берувчининг мажбурияти саналади (МКнинг 111-моддаси; ОСПнинг 17.04.1998 йилдаги 12-сон қарори 46-банди).

Ходим эрталаб автобусда келаётган эди, дейлик. Транспорт бузилиб қолди. Натижада ходим ишга кеч қолди.


Иш берувчининг позицияси: Ходим вақтлнроқ йўлга чиқиши керак эди, ана шунда кеч қолмасди. Иш жойига ўз вақтида етиб келиш – ходимнинг мажбурияти. Бузиш ҳолати яққол кўриниб турибди.

Ходимнинг позицияси: Ходим жамоат транспортининг ҳаракатланиш вақтини ҳисобга олиб уйдан чиқди. Рейсга чиққан барча автобусларнинг техник ҳолатини олдиндан била олмас ва буни билиши ҳам керак эмас эди, зеро қонун ҳужжатларига кўра жамоат транспорти рейсга чиқишдан олдин техник кўрикдан ўтиши шарт. Таксига пули бўлмаганлиги учун ходим бошқа автобусни куттишга мажбур бўлди. Ўз меҳнат вазифасини бажариши учун объектив имконияти, демак, айби ҳам бўлмаган.

Кўриб турганимиздек, бу ҳолда «кечкиднгми – жазоланасан» принципига таяниб масалани ҳал этиб бўлмайди. Ҳар битта ҳолат ечимини топиш учун қуйидагича йўл тутиш зарур:

➤ ходимдан тушунтириш беришни расман талаб қилиш. Агар у озгача талабга кўра тушунтириш хатини ёзишдан бош тортса, буни қандайдир объектив, энг яхшиси, ёзма усул билан (олганлиги ҳақида хабар берган ҳолда почта орқали, суҳбатни аудио–ёки видеоёзув воситасида қайд этган ҳолда ва ҳ.к.) талаб қилган маъқул. Бу тушунтириш беришни рад этганлик тўғрисидаги далолатномани тузишда тил бириктиришда айбладан қочиб имконини беради;

➤ ходим тушунтириш беришдан бош торттишда давом этса, – имзолловчи шахслар таркиби ҳақида тилга олинган тавсияларни инобатга олган ҳолда бу ҳақда далолатнома тузиш. Мабодо шартнома бекор қилингандан кейин меҳнатга лаёқатсизлик варақаси



ёки ходимни оқловчи бошқа ҳужжатлар тақдим этилса, шу тариқа ўзингизни ҳимоялай оласиз;

➤ агар ходим тушунтириш хатини ёзса, ўзини ҳимоялаш ниятида баён этган барча далил-исботларини иш берувчи виждонан текшириб кўриши лозим. Ходимдан сўзларини исботлашни талаб қилиш, буни уddалай олмаса – интизомий жавобгарликка тортиш билан чекланиб бўлмайди. Мустақил равишда муайян чоралар кўриш лозим. Бунинг учун иш берувчига қилмиш содир этилганлиги аён бўлган пайдан бошлаб бир ой муддат берилади.

Ёдингизда бўлсин, исботлаб бериш юки иш берувчининг зиммасида бўлади, суд, прокуратура ва меҳнат ҳуқуқ инспектори эса қоидабузарликлари учун ходимни эмас, иш берувчининг хатти-ҳаракатлари қонунийлигини текширади;

➤ ходимнинг далиллари асоссизлиги аниқлангандан кейингина – унга нисбатан интизомий жазони қўллаш. Тегишли буйруқ ҳақида тилхат олиб ходимга маълум қилинади. Агар шундай қилинмай, ундирув ҳақида жамоа йиғилишида эълон қилиб, эълонлар тахтасига осиб, ҳужжатлар алмашиш электрон тизими орқали тарқатиб кўя қолинса – интизомий жазо қўлланмаган ҳисобланади. Кўпинча бу ҳақда унутиб қўядилар. Ходим буйруқни имзолашдан бош тортса, бу ҳақда ҳам далолатнома тузилади, интизомий жазо қўллангани ҳақида расмий хабарномани почта орқали йўллаган маъқул;

➤ ходимга нисбатан илк интизомий жазо қўлланиши тўғрисидаги буйруқ билан – ҳайфсан ёки жарима қўллаш. Кўпинча айрим раҳбарларнинг «огоҳлантиришлари» интизомий жазога кирмайди.

Авалги интизомий жазо қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ҳар қандай бошқа ноҳўя ҳаракат такроран содир этилганда, шу жумладан прогул қилинганда меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилади*. Бунинг учун юқорида кўрсатилган барча таомилларга риоя этиш ва 3 кун аввал ходимни ишдан бўшатилиши ҳақида хабардор қилиш зарур. Агар хабардор қилишни истамаса, шу давр учун тўғри келадиган компенсацияни тўлаш лозим.

Иш берувчи иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобни меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда амалга ошириши (агар миқдори юзасидан низолашилса – рад қилиб бўлмайдиган қисмини тўлаши) шарт. Ходим амалда ишламаса, тўлов ҳақида талаб қилинган кунда ҳисоб-китоб қилинади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда меҳнат дафтарчасини ҳам бериш зарур. Одатда уни ҳеч ким дарҳол олиб кетмайди. Шу сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда почта орқали ходимга уни олиб кетиши мумкинлиги ҳақида хабарнома жўнатиш керак. Фақат ходимнинг розилиги билан меҳнат дафтарчасини почта орқали жўнатиш мумкин.



қайд этган ишончлироқ. Ҳатто меҳнат тартиби қоидалари ёки лавозим мажбуриятлари билан танишиш журналида имзоси бўла туриб, ходим танишиб чиққан пайтида ушбу локал ҳужжатларда у ёки бу қоидалар бўлмаган ва раҳбар фойдасини кўзлаб ўтган сана билан атайин киритилган деб баёнот берган ҳоллар бўлган.

*Жамоа шартномаси ёки келишувда меҳнат шартномасини бекор қилиш учун касбада уюшмаси кўмитасининг розилиги талаб этилса, унинг баённома қарорини ҳам олиш зарур.

Бир марта қўпол равишда бузганлик учун ишдан бўшатишда нималарни билиш лозим

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги ҳар қандай меҳнат шартномасини бекор қилишга асос ҳисобланади (МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-банди). Бироқ қонун ҳужжатларида бундай бузишлар рўйхати мавжуд эмас. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, у қуйидаги ҳужжатлардан бирида олдиндан қайд этилган бўлиши шарт:

- ички меҳнат тартиби қоидаларида;
- корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномасида;
- айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низоми ва уставларда.

Шу ўринда хусусий ташкилотлардаги бир марта қўпол бузишларнинг аниқ рўйхати ички меҳнат тартиби қоидаларида кўрсатилган бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтамиз. Гап шундаки, фуқаролик тузилмаларида интизом ҳақидаги низоми ва уставлар деярли амал қилмайди (улар стратегик аҳамиятга эга бўлган алоҳида, шу жумладан ҳарбий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, темир йўл ва бошқа соҳалар учун мўлжалланган). Оддий ходим билан тузилган меҳнат шартномасида ҳам қўпол қилмишларни кўрсатиб бўлмайди (фақат ташкилот раҳбари билан тузилган шартномада қайд этиш мумкин).

Корхонада ички меҳнат тартиби қоидаларини жорий этиш учун унда қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи фаолият юритиши керак, мазкур қоидалар у билан албатта келишилган бўлиши шарт (МКнинг 174-моддаси). Суд биринчи навбатда айти шуни текширади.

Шунингдек қоидаларда прогул бир марта қўпол равишда бузиш деб ҳисобланиши тўғридан-тўғри кўрсатилган, қандай ҳолатларни (бир, икки, уч ва ҳ.к. соат давомида иш жойида бўлмаслик) прогул деб ҳисоблаш кераклиги ҳам баён этилган бўлиши шарт.

Бу — муҳим! Ҳатто у ёки бу турдаги қилмиш корхонанинг локал ҳужжатларида бир марта қўпол равишда бузиш сифатида лозим даражада акс эттирилган бўлса ҳам, содир этилган қилмишнинг ҳамда мазкур қоидабузарлик олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган оқибатларнинг оғирлигидан келиб чиқиб, ҳар бир аниқ ҳолатда қўпол тусга эга бўлган-бўлмаганлиги масаласи ҳал этилади. Яъни суд ходимнинг қилмиши ҳеч қандай жиддий оқибатга олиб келмади деб ҳисобласа, уни ишга тиклашга ҳақли бўлади.

Бошқа жиҳатдан расмийлаштириш таомиллари, меҳнат шартномасини бекор қилиш учун фақат битта бузиш ҳолатини қайд этиш далилини инобатга олмаганда, меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлик ҳолатидаги ўхшаш.

Юқорида айтилганлардан хулоса чиқариб, меҳнат шартномасини бекор қилишда арзimas жиҳатлар бўлмаслигини қайд этиб ўтамиз. Раҳбар ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор бериши ва имкон қадар кадрлар хизмати ишини шахсан назорат қилиши даркор.

Самир Латипов,
«Norma Online» эксперти.



Чет элликлар учун истисно қилинмайди

Корхонамиз корейлик муҳандисни таклиф қилиб, уни расман ишга қабул қилди, у солиқ инспекциясида СТИР олди.

1. Расман ишга қабул қилинган чет эллик ходим учун меҳнат дафтарчасини юритиш зарурми?

2. Агар чет эллик шахс меҳнат дафтарчасисиз ишласа, иш берувчида қандай оқибатлар юзага келиши мумкин?

Д.Одилхўжаева.



1 Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаётган чет эл фуқароларига ҳам татбиқ этилади (МКнинг 11-моддаси).

Меҳнат қонунчилигида иш берувчи 5 кундан ортиқ ишланган бarchа ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт-

лиги назарда тутилган (МКнинг 81-моддаси 2-қисми; АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 1.1-банди).

Бинобарин, сизнинг ҳолатда чет эллик ходим учун ҳам меҳнат дафтарчасини юритиш зарур.

2 Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартибини бузган

мансабдор шахслар энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдордаги жарима кўринишида маъмурий жавобгарликка тортиладилар (МЖТКнинг 49-моддаси, Йўриқноманинг VIII бўлими).

Жўрабек Муротов,
«Norma Online» эксперти.

Диққат: сизни суратга оляптилар!

Бухгалтериямизда ходимларнинг ҳеч бирини на ёзма, на оғзаки огоҳлантирмаган ҳолда овоз ёзадиган видеокузатув камерасини ўрнатдилар.

Офисда видеокузатув камерасининг ўрнатилиши қандай қилиб тўғри расмийлаштирилади?

Л.Алиева.

— Ходимларни кузатиш учун видеокамералар ўрнатиш далили иш берувчи томонидан меҳнат шартшароитларининг ўзгартирилиши (меҳнат шартларининг ўзгартирилиши) ҳисобланади.

Видеосуратга олиш ходимларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги учун қуйидагича хатти-ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ:

1) видеокузатувни тартибга солувчи, видеокамералар ўрнатишдан мақсад белгиланган ички локал ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;



2) камида 2 ой олдин ходимларни видеокузатув камералари

ўрнатилиши ҳақида тилхат олган ҳолда хабардор қилиш, ходимларни меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида огоҳлантириш. Кўрсатилган муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Ушбу таомил жорий этилишидан олдин: «Диққат! Видеокузатув» ёки «Видеокузатув олиб борилмоқда» деб ёзилган маълумот тахтачаларини жойлаштириш.

«Кузатув остида» ишлашга рози бўлмаган ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли бекор қилиниши мумкин, бунда ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади (МКнинг 89-моддаси).

Вақтинчалик ходим

Қурилиш ишларини ташкил этиш жараёнида ишчиларни (ғишт терувчи, девор урувчи, сувоқчи ва ҳ.к.) муайян муддатга ёллаш чоғида шартномаларни расмийлаштириш юзасидан бир қатор саволлар юзага келади.

Ишчилар билан муддатли меҳнат шартномасини қандай қилиб тўғри расмийлаштириш мумкин (пудрат ташкилоти мисолида)?

С.Ҳасанов.

— Айрим ҳолларда бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатлари у билан номуайян муддатга меҳнат муносабатларини расмийлаштириш имконини бермайди. Шу сабабли улар билан муддатли меҳнат шартномалари тузилади (МКнинг 76-моддаси).

Меҳнат шартномасининг муддати ҳақидаги шарт мазкур ҳужжатнинг энг муҳим бандларидан бири бўлса керак. У бўлмаганда, шартнома муддатли деб ҳисоб-

ланмаган бўларди. МКнинг 72, 75 ва 76-моддаларига мувофиқ меҳнат шартномасини номуайян муддатга тузиш имконини бермайдиган ҳолатларнинг мавжудлигини исботлаш мажбурияти иш берувчининг зиммасига юклатилади.

Хусусан, иш берувчи ташкилот муайян ишларни бажариш учун ташкил этилаётган ҳолда муддатли меҳнат шартномаси амал қилишининг тугаш санаси кўрсатилади. Тегишинча, ходимлар ҳам унинг муддатидан ошмайдиغان даврга ёлланадилар.

Вақтинчалик ишларни (6 ойгача) бажариш вақтига муддатли шартномани расмийлаштираётганда ходимлар учун синов муддати белгиланмайди (МКнинг 84-моддаси).

Шу тариқа, қурилиш ташкилоти қурилиш объектида ишловчи айрим шахслар билан муддатли меҳнат шартномасини — фақат муайян объектида ишларни бажариш вақтига тузади. У ишлар тугатилганда, яъни унинг муддати тугаши билан бекор қилинади (МКнинг 105-моддаси). Бу ғишт терувчилар, девор урувчилар, сувоқчилар ва бошқаларга ҳам тааллуқли.



Етказиб бериш кечиктирилгани учун пеня

Олди-сотди шартномасида маҳсулотни унинг учун олдиндан аванс суммаси тўлангандан сўнг 10 календарь куни мобайнида етказиб бериш белгиланган. Масалан, олдиндан тўлов 2017 йил 6 мартда амалга оширилган, маҳсулот етказиб берилиши лозим бўлган муддат эса 17 мартда тугайди. Агар етказиб берувчи ўз етказиб бериш мажбуриятини 18 март куни бажарса, кечиктирилган 1 кун учун шартномага асосан пеня ҳисобланадими?

А.Ибрагимов.
Жиззах вилояти.

— Ҳа, пеня ҳисобланади. Бироқ, 1 кун учун эмас, 2 кун учун ҳисобланади.

Пеня неустойка шаклларида бири ҳисобланиб, қарздор ўз мажбуриятларини бажаришни кечиктириб юборганида тўланади ва кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоизда ҳисоблаб чиқарилади (ФКнинг 261-моддаси 1 ва 3-қисмлари).

Қонун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган, шунингдек суд томонидан тайинланган муддат календарь сана билан ёхуд йиллар, ойлар, ҳафталар, кунлар ёки соатлар билан

ўлчанадиган вақт даврининг ўтиши билан белгиланади. Муддат муқаррар юз бериши керак бўлган воқеани кўрсатиш билан ҳам белгиланиши мумкин (ФКнинг 145-моддаси). Вақт даври билан белгиланган муддат календарь санадан кейинги ёки унинг бошланиш куни деб белгиланган воқеа юз берганидан кейинги кундан ўта бошлайди (ФКнинг 146-моддаси). Фикримизча, ушбу нормаларга асосланиб, Олий ҳужалик суди Пленумининг қароридан ҳам ўз тушунтиришларида мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун пенянинг ҳисобланиши мажбуриятни

бажариш муддати тугаган куннинг эртасидан бошланиши кўрсатилган (15.06.2007 йилдаги 163-сон қарорнинг 16-банди).

Шу боис сиз баён қилган ҳолда маҳсулот етказиб беришнинг муддати 2017 йил мартнинг 17 кунда эмас, балки

16 кунда тугайди ва, бинобарин, пеня кечиктирилган 2 кун учун ҳисобланади.

Пеня ҳисобланиши қуйидаги формула бўйича амалга оширилади: $\text{қарз суммаси} \times \text{пеня миқдори} \times \text{кечиктириб юборилган кунлар сони} = \text{пеня суммаси}$.

МИСОЛ. 50 млн сўмлик товарларни етказиб бериш шартномаси тузилди. Унга кўра, товарларни етказиб бериш муддати улар ҳақи олдиндан тўлангандан кейин 10 календарь кундан кечиктирилмаслиги керак. Аванс 2017 йил 6 мартда тўланган. Белгиланган муддатнинг сўнги куни шу ойнинг 16 кунига тўғри келган. Товарлар эса сотиб олувчига 18 мартда етказиб берилган. Тарафлар шартномада «товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган ҳолларда, товар етказиб берувчи сотиб олувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим» деб келишганлар.

Бу ҳолда пенянинг ҳисоб-китоби қуйидагича бўлади:

Пеня = 50 млн сўм $\times$ 0,5% $\times$ 2 кун = 500 минг сўм.

Пеняни ундириш мақсадида сиз етказиб берувчига нисбатан ёзма талабнома билдиришга ҳақлисиз (29.08.1998 йилдаги 670-1-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси 1-қисми, кейинги ўринларда – Қонун). Борди-ю, етказиб берувчи томонидан сиз талаб этган суммани тан олганлиги тўғрисидаги ёзма хати тақдим этилса, бироқ у сумма 20 кун муддатда тўланмай қолса, сиз ушбу хат асл нусхасини акцептсиз (сўзсиз) тўлов талабномаси билан бирган сизга хизмат кўрсатаётган банкка топширингиз мумкин (Қонуннинг 18-моддаси 5-қисми; АВ томонидан 03.06.2013 йилда 2465-сон билан рўйхатга олинган Низомнинг 40-банди, 41-банди 3-хатбошиси ва 47-банди, кейинги ўринларда – Низом). Тўлов талабномангиз банкнинг орқали етказиб берувчига унга хизмат кўрсатаётган

банкка тушгач, талаб этилган сумма (пеня) тўловчининг маблағлари (сиз талаб этган пеня суммасида) унинг розилиги бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, акцептсиз ҳисобдан чиқарилади ва ҳисобрақамингизга ўтказилади (Низомнинг 56-банди 1 ва 2-хатбошиси ва 57-банди).

Агар етказиб берувчидан рад жавобини олган ёки талабномага белгиланган муддатда (талабнома олинган кундан бошлаб 1 ой ичида) жавоб олмаган тақдирингизда, шунингдек шартномангиз юзасидан талабнома билдирмай ҳўжалик судига даъво аризаси беришингиз мумкин (Қонуннинг 18-моддаси 1-қисми ва 19-моддаси).

Ва ниҳоят, кредитор сифатида сиз пеня суммасидан воз кечишга ҳам ҳақлисиз.

Камол Музаффаров,
«Norma Online» етакчи эксперти.



ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик туфайли халқимиз хотиржам, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Бу кўпчилик ҳавас қиладиган энг олий неъматдир. Шу боис уни кўз қорачигидек асраш, қадрига етиш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади.

Ёнгинларнинг олдини олиш ҳам осойишталикнинг муҳим шартларида ҳисобланади. Зеро, бу ҳаётимиз хавфсизлигига, катта меҳнат билан бунёд этилган неъматларни асрашга хизмат қилади. Шу муносабат билан ҳар йили республикаимизда ёнгин хавфсизлиги соҳасида муайян ишлар амалга оширилади. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ёнгиннинг олдини олиш, уларда инсонлар жабрланишига йўл қўймаслик борасида қатор чора-тадбирларни кўриб боришади. Хусусан, соҳадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш учун кенг жамоатчилик билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйил-

ган. Халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида, шунингдек саноат корхоналарида, билим юртлари, мактаб, боғча ва аҳоли турар жойларида ёнгин офатининг олдини олиш мақсадида бизнинг Миробод туманимизда ҳам режали текширувлар ўтказилмоқда, фуқаролар билан учрашувлар, суҳбатлар уюштирилиб, матбуот орқали тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Чунки ёнгин хавфсизлиги масаласи барча идора ва ташкилот, маҳалла, қишлоқ, оила, ҳар бир фуқаро фаолиятига бевосита дахлдордир.

Соҳага оид қонунчиликнинг такомиллаштирилгани ёнгин хавфсизлигини таъминлаш,

«тилсиз ёв»нинг олдини олишни янада кучайтириш имконини бераётир. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилдаги «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунда ёнгинларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар ва ҳўжаликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига алоҳида масъулият юкланган.

Бундан ташқари, аҳоли хонадонларининг ёнгинга қарши ҳолати, чордоқ ва ертўлалар синчиклаб кўздан кечирилади. Боиси, содир бўлаётган ёнгинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларига тўғри келаётир. Айрим фуқаролар носоз электр ва газ мосламаларидан фойдаланиши, кўп ҳолларда ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этиши оқибатида турли даражадаги ёнгинлар рўй бермоқда.

Ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш ва фуқаролар яшаш жойларида қонунчиликни мустаҳкамлаш мақсадида давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли турар жойларининг ёнгинга қарши ҳолати текширилди. Аниқланган камчиликларнинг аксарияти зудлик билан бартараф этилди

ва бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ёнгин хавфсизлигига оид бундай меъёрларга амал қилиш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиш осойишталигимиз бардавонлигининг муҳим омилдир.

С.Жуманов,
Миробод туман ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант.



Огоҳлик – осойишталик омили

Хайдовчи қонидани бузади, фирма эса «пулга тушади»

Директор ҳаммаси учун жавобгар

Балансида ҳеч бўлмаганда битта автомобиль бўлган ҳар бир ташкилотда юридик шахснинг транспорт воситаларидан фойдаланишга масъул шахсни тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқаришни тавсия этамиз. Буни меҳнат шартномасида ҳам акс эттириш лозим (ушбу шахс тилхат олиб таништирилган ички меҳнат тартиби қоидаларида, жамоа шартномасида ёки лавозим йўриқномасида белгилаш мумкин). Хайдовчининг ўзини шундай шахс қилиб тайинлаган маъқул. Агар хайдовчилар иккита ва ундан ортиқ бўлса, ким қайси транспорт воситаси учун жавобгар эканлигини кўрсатинг.

Гап шундаки, илгари: қоидабузарлик оқибатлари йўқми – корхона учун муаммо ҳам йўқ деган оддий қоида амал қиларди. Зеро ЙХҚни бузишнинг ўзи маъмурий (МЖТКнинг XI боби) ва жиноий тартибда (ЖКнинг XVIII боби) жазоланади. Бунда жисмоний шахслар – қоидабузарларга нисбатан санкциялар қўлланилади. Юридик шахслар маъмурий ва жиноий жавобгар бўлмайди.

Хайдовчи кимгадир зиён етказганда корхонага саволлар туғиларди. ФКнинг 999-моддасига мувофиқ, транспорт воситаларининг эгалари ошқоча хавф манбаи учинчи шахсларга етказган зарарни, агар зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олмасалар, тўлашлари шарт. Яъни зарарни тўлаш корхона зиммасига юклатилади (сугурта билан ҳам қўлланади).

Шу тариқа, ЙХҚ бузилганда фақат хайдовчига нисбатан маъмурий баённома тузилар эди (АВ томонидан 5.07.2011 йилда 2240-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 5-банди).

Бироқ Тошкент шаҳрида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари фойдаланишга жорий этилганлиги муносабати билан МЖТК ва тилга олинган 2240-сон Йўриқномага тузатишлар киритилди. Ташкилотнинг автомобили ЙХҚни бузгани камера орқали қайд этилган тақдирда юридик шахснинг транспорт воситаларидан фойдаланиш учун масъул шахс давлат олдида жавобгар бўлади. Қонун нуқтаи назаридан у хайдовчининг ўзи бўлиши шарт эмас.

Яъни расман олганда корхона аввалгидек жавобгар бўлмайди. Бироқ раҳбар ва хайдовчининг бошқа ҳамкасблари ўртасида шахсий муаммолар юзага келиши мумкин.

Чунончи, Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида бизга шуни маълум қилдилар:

«Хусусий ташкилотларнинг автомобиллари ЙХҚни бузганда жарима солиш тўғрисидаги қарор юридик шахс – транспорт воситаси мулкдори манзиллиги юборилади. Жарима солинган аниқ фуқаро кўрсатилмайди».

Шу тариқа, ташкилот раҳбари жарима тўлалигини таъминлашга мажбур, акс ҳолда 60 кундан кейин ма-

шинани хатлаб қўйишлари мумкин. Агар транспортдан фойдаланиш учун масъул шахс олдиндан тайинланмаса, жаримани директор тўлашига тўғри келади.

Директорнинг қандай алоқаси бор?

Биринчидан, корхоналар автотранспорти хайдовчиларининг марказлаштирилган базаси мавжуд эмас, ДЙХХХ бевосита хайдовчиларга нисбатан жарималарни автоматик равишда қўллаб олмайди. Бу транспорт воситаларини бошқаришга юридик шахсларнинг ишончномалари нотариал тасдиқланмаслиги ва ДЙХХХда рўйхатдан ўтказилмаслиги билан боғлиқ (ВМнинг 7.03.2006 йилдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган Низом).

Иккинчидан, агар иш жаримани мажбуран ундиришгача етиб борса, юридик шахс бунга алоқадор эмас бўлиб чиқади. Зеро у ходимларнинг жарималари юзасидан жавоб бермайди.

Учинчидан, юридик шахснинг транспорт воситаларига ўз-ўзидан (алоҳида буйруқсиз) масъул бўлган алоҳида мансабдор шахслар (гаражлар мудирлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассислар, фойдаланиш бўлими бошлиқлари ва ходимлари, катта ва оддий диспетчерлар) фақат лицензия бўйича йўловчиларни ташувчи (автобус парклари ва таксопарклар), шунингдек автомобилда юк ташувчи (шу жумладан ўз эҳтиёжлари учун) ташкилотларда назарда тутилади.

Тўртинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз эҳтиёжлари учун энгил автомобилга эга бўлган хусусий ташкилотларда ким нима учун жавоб бериши тўғрисида аниқлаштиришлар келтирилмаган. 2016 йил май ойида НХТБТ порталида жойлаштирилган Юридик шахснинг хизмат ва навбатчи энгил автомобили йўл варақасини тайёрлаш, ҳисобга олиш ва тўлдириш бўйича йўриқнома лойиҳаси ханузгача қабул қилинмади. Бинобарин, катта бўлмаган хусусий ташкилотда бу шахс раҳбарнинг ўзи бўлади.

Хайдовчи масъул шахс этиб тайинланмаганда...

Бу ҳолда хайдовчи учун жаримани директор тўлайди. У хайдовчидан тўланган тоовон миқдорини регресс тартибда талаб қилишга ҳам (ФКнинг 1001-моддаси), унинг манфаатини кўзлаб топшириқсиз ҳаракат қилишга ҳам ҳақли эмас (ФКнинг 47-боби). Хайдовчи айбдорми, демак, унинг ўзи жаримани тўлаши шарт-

дек кўринади, бироқ қонун уни амалда бундан озод қилган. Транспорт воситаларидан фойдаланишга масъул шахс сифатида хайдовчи учун буйруқ чиқарилмагани – жавобгарлиги ҳам йўқ.

Маъмур ҳолда иш берувчи (ташкилот) ва ходим ўртасидаги эмас, балки бир фуқаро (реал қоидабузар – хайдовчи) ва бошқа фуқаро (айбсиз, бироқ қонунан жаримага тортилган – директор) ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўз бормоқда. Шу сабабли раҳбар тўлаган маъмурий жарима суммасини хайдовчининг иш ҳақидан ушлаб қолиш мумкин эмас, зеро ташкилотга эмас, балки бошқа ходимга (директорга) зиён етказилган.

Хайдовчига нисбатан фақат интизомий жазо: ҳайфсан, интизомий жарима (одатда, ўртача иш ҳақининг 30%) қўллаш ёхуд меҳнат интизомини бузганлиги учун меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин. Бу жарима тўлаш ҳаражатларини компенсацияламайди, бироқ хайдовчининг жазоланишини таъминлайди.

Бунинг учун бир қатор шартларга риоя этиш зарур. Масалан, келгусида бўлиши мумкин бўлган суд учун автомобилни хайдовчи бошқаргани ҳақидаги далил-исботларни (йўл варақалари, ишончномалар) тўплаш. ДЙХХХ ҳеч ким қайд этилмаган жарима солиш тўғрисидаги қарорни бера олади, холос. Бунинг устига, ички ишлар органлари ташкилот ичидаги ишларга аралашинишга ҳақли эмас.

Ташкилот ўзи тўлашга қарор қилган бўлса...

Нодавлат юридик шахсларнинг ходимлар учун жарима тўлашлари тўғридан-тўғри тақиқланмаган. Шу сабабли компания шундай қарор қабул қилган бўлса, ўз ходими учун пул ўтказишга ҳақли. Давлат ташкилотларида бунга смета-штат интизомини бузиш деб ҳисоблашлари мумкин.

Бундай тўловлар амалга оширилганда бухгалтер ким учун пул ўтказилаётганлигини билиши, шунингдек жарима солиш тўғрисидаги қарор рақамини кўрсатишининг ўзи етарли. Айрим ташкилотлар банкнинг бундай тўловларни ўтказишдан бош тортишига тўқнаш келиб улгурдилар. Бунда тўлов топшириқномасида ким учун жарима тўланаётганлиги қайд этилмаганлиги сабаб қилиб кўрсатилган.

Бундай операцияларга солиқ солиниши керак. Ташкилот ходим учун тўлаган жарима суммасига унинг моддий наф тарзидаги даромади сифатида қаралади (Солиқ кодексининг 177-моддаси) ва умумий асосларда ЖШДС солинади.

Сўзимиз якунида МЖТКнинг 171-1-моддаси ва 2240-сон Йўриқномага ўзгартиш киритиш зарурати юзага келганлигини қайд этиб ўтмоқчимиз. Агар автомобилни аниқ хайдовчи бошқаргани белгиланса, юридик шахснинг транспорт воситаларидан фойдаланишга масъул шахслар жавобгарликдан озод қилинишига доир ҳуқуқларини уларда акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек Юридик шахснинг хизмат ва навбатчи энгил автомобили йўл варақасини тайёрлаш, ҳисобга олиш ва тўлдириш бўйича йўриқномани тез орада қабул қилган маъқул. Ушбу йўриқномада транспорт воситасини бошқарган ходимга нисбатан жаримани қўллаш учун уни тез аниқлаш механизми белгиланиши лозим.

Самир Латипов, «Norma Online» эксперти.



